

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ФАРМАЦЕВТ МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ

5510500-ФАРМАЦИЯ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)

Тошкент – 2020

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

ФАРМАЦЕВТ МАЛАКА ТАВСИФНОМАСИ

5510500-ФАРМАЦИЯ (ТУРЛАРИ БЎЙИЧА)



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил “08” 09
даги 236-сонли буйруғининг 5 иловаси билан тасдиқланган.

Тошкент – 2020

ТУЗУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SOS'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGINING
TEBIY TALIMNI RIVOJLANTIRISH
MARKAZI

МУНДАРИЖА

1.	Умумий қоидалар	4
1.1	Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий ҳужжати бўлиб, куйидагилар асосида тузилган	4
1.2	5510500 - Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича малака тавсифномаси давлат норматив ҳужжати ҳисобланади ва куйидагиларни белгилайди	5
1.3	Ушбу малакавий тавсифномаси мўлжалланган	6
1.4	Фармацевт малака тавсифномаси ишлатилади	6
1.5	Фармацевтнинг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари	7
2.	Фармацевтга малака тавсифномаси	8
2.1	Фармацевт билими	8
2.2	Фармацевт кўникмаси	14
2.3	Асосий назарий билимлар. Фармацевт билиши керак	19
3.	Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) фармацевтнинг ўрни	21
3.1	Фармацевтнинг мажбуриятлари	22
4.	Соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кўрсатиладиган фармацевтик ёрдам ҳамжми	30
4.1	Кўрсатиладиган фармацевтик ёрдам тури даражасига кўра фармацевт томонидан бажариладиган фаолият	30
4.2	Фармацевт томонидан ўтказилиши кўзда тутилган хизматлар рўйхати	31
5.	Фармацевт эга бўлиши шарт амалий кўникмалар	34
6.	Фармацевтнинг муносабатларига қуйилган талаблар	36
7.	Ўзлуксиз касбий таълим ва фармацевтнинг аттестацияси	37

1. Умумий қоидалар

Мамалакатимиз аҳолисига фармацевтик ёрдам кўрсатиш, истеъмолчиларнинг фармацевтика ташкилотида сотишга рухсат берилган хавфсиз, самарали, юқори сифатли дори воситалар ва тиббий буюмлар, асбоб - ускуналар ва бошқа фармацевтика махсулотларига булган эҳтиёжини аниқлаш ва талабини кондириш, турли мулкчилик шаклидаги дорихоналарда фармацевтлар ишини ташкиллаштириш замонавий фармацевтика тизимида муҳим ўрин тутди. Фармацевтик савдо корхоналари ва омборхоналарида дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш, қадоқлаш ва тарқатиш, кимё-токсикологик экспертизалар ўтказиш жараёнида иштирок этиш, дори воситаларини таҳлил қилиш, сифатини баҳолаш, таҳлил усуллари валидациялаш. дори воситалари сифатини таъминлаш, дори воситаларини сертификатлаштириш, шифохона дорихоналарида дори воситаларини тайёрлаш, сифатини баҳолаш, клиник олди ва клиник таҳлилларни ўтказиш фармацевтлар олдида турган долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Фармацевтнинг ушбу малакавий тавсифномаси замонавий талабларга жавоб берадиган мутахассислар тайёрланишида асосий ҳужжат ҳисобланади.

Малака тавсифномаси фармацевт тайёрлашга ва фаолиятига қўйилган ягона ва тизимлаштирилган талабларни таъминлайди.

1.1. Ушбу малака тавсифномаси давлат меъёрий ҳужжати бўлиб, қуйидагилар асосида тузилган:

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.05.2017 йилдаги ПҚ-2956-сонли “Тиббий таълим тизимини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 26.02.2018-йил 125-сонли “Соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини бошқариш ва ташкил этиш бўйича давлат талаблари” буйруғи;

2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3775-сонли қарори;



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5590-сонли Фармони;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3532-сон қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги “Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари. тўғрисидаги” ПҚ-4063 – сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги “Тиббиёт ва фармацевтика таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4310-сонли қарори;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 21 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 апрелдаги ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида”ги 125-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 12 августдаги “Тиббиёт ва фармацевтика олий ва ўрта махсус касб ҳунар таълим муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 209-сонли буйруғи;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 25 июлдаги “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6035-сонли фармони.

1.2. 5510500 - Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича малака тавсифномаси давлат норматив ҳужжати ҳисобланади ва куйидагиларни белгилайди:

- олий таълимнинг ушбу малака тавсифномаси 5510500 -*Фармация (турлари бўйича)* бакалавр тайёрлаш таълим дастурини ўзлаштирилишини амалга



- оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуасини ифодалайди;
- фармацевт фаолиятининг асосий талаблари ва фаолият юритиш шартлари, профессионал йўналтирилиши;
 - фармацевт томонидан бажарилиши керак бўлган касбий ва ижтимоий вазифалар, амалий кўникмалар ва кўникмалар тизими кўринишидаги малака талабларини;
 - фармацевтни аттестациядан ўтказиш талабларини;
 - фармацевтларни олий тиббий олийгоҳларда тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ўқув дастурларини бирлаштириш, Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида фармацевтлар тайёрланиш сифатини ошириш ва ушбу жараёнда масъулиятни ортиб бориши;
 - истеъмолчилар билан алоқа механизмларини амалга оширишда фармацевтнинг амалий фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.

1.3. Ушбу малака тавсифномаси мўлжалланган:

- мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг педагог ходимлари;
- таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бўлим бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари, битирув малакавий иш ҳимояси комиссияси;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.4. Фармацевт малака тавсифномаси ишлатилади:



- ушбу йўналишдаги мутахассисларга бўлган эҳтиёжни олдиндан кўра билиш, диплом олди, дипломдан кейинги таълим ва адаптация ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқилишида;
- тайёрлов, қайта тайёрлашни такомиллаштиришда, малака талабларини оширишда, профессионал фаолият йўналтириш ва таҳлил этишда;
- бакалаврият битирувчиларини якуний аттестация ўтказишда Давлат имтиҳон ҳайъати мақсад ва вазифаларини аниқлашда;
- олий таълим муассасаларида ва дипломдан кейинги тиббий таълим муассасаларида давлат ўқув меъёрлари, ўқув дастурлари, ўқув режалари ва тегишли йўналишларда ишчи дастурлар ишлаб чиқишда;
- 5510500-Фармация (турлари бўйича) таълим йўналиши битирувчиларини фаолиятини баҳолаш ва назорат қилиб боришда.

1.5. Фармацевтнинг касбий тайинланиши ва иш фаолиятининг шарт-шароитлари:

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш;
- Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтларида, илмий-тадқиқот марказларида, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида илмий тадқиқот ишларини олиб бориш;
- фармацевтикага оид корхона ва ташкилотларида фаолият юритиш;
- “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартлаштириш” Давлат унитар маркази, ДУКнинг Фармакология, Фармакопея, Наркотик ва психотроп моддаларни назорат қилиш, Янги тиббий техника кўмиталари ва бошқа таркибий тузилмаларида, “Дори-дармон” АК, дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш корхоналари, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, ва турли мулкчилик шаклидаги дори воситаларининг чакана ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи фармацевтика корхоналарида фаолият юритиш ва мутахассисликка оид комплекс масалаларни ечиш;
- Ўзбекистон Республикасининг давлат суд-тиббий фаолияти тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, суд-тиббий экспертизаси кимё лабораторияларида исботланиши керак бўлган ҳолатларни ечимини топиш;
- захарли, гиёҳванд, психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларни ва уларнинг метаболитларини мурда ички аъзоларидан ва биологик суюқликлардан ажратиш олиш;
- биологик объект ва биологик суюқликлардан ажратиб олинган наркотик, психотроп дори воситалари ва бошқа инсон организмга таъсир этувчи захарли моддаларни сифат ва миқдорини аниқлаш;



- фармацевтик препаратлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва бошқа моддаларни сифат ва миқдорини аниқлаш ва олинган текширувлар интерпретациясини ўтказиш;
- экспертиза лабораторияларга юборилган ашёвий далиллар ҳужжатларини рўйхатга олиш, маркировка қилиш ва қабул қилинган ашёвий далиллар, биологик объектлар ҳамда ҳужжатларни сақланишини таъминлаш.

2. Фармацевтга малака тавсифномаси

2.1. Фармацевт билими:

Фармацевтика ташкилотини фаолиятини режалаштириш соҳасида

- фармацевтика ташкилотларида қўлланиладиган ахборот тизимлари ва ахборот технологияларини қўллаш ускуналари;
- меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги;
- дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментидаги бошқа товарлар муомаласини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларининг қоидалари;
- биноларнинг ишлатилиши ва меҳнат шароитларига санитария-эпидемиологик талаблар;
- фармацевтика ташкилотининг ҳисобот ҳужжатларига қўйилган талаблар, уларнинг тузилиши ва таркибига қўйиладиган талаблар;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари, ёнгин хавфсизлиги чоралари, фавқулотда ҳолатларда тартиб-қоидаларни билиш.

Фармацевтик ташкилотининг моддий ва ресурс билан таъминлашни ташкил этиш соҳасида

- фармацевтика фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари;
- лицензия талабларига риоя қилмаслик оқибатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва меъёрий асослари фармацевтика ва дори воситалар муомаласини тартибга солиш;
- таъминотчилардан товарларни қабул қилиш тартиби, уларни ҳисобга олиш, инвентаризацияни ўтказиш ва ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби;
- тиббий ва фармацевтика маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, ташиш тартиби;
- дорихона ташкилотларида мерчайдазингни ташкил этиш;
- фармацевтик маркетингини ташкил этиш;
- фармацевтик логистикасига риоя қилиш;

- миқдорий ҳисобда турувчи дори воситаларга қўйилган талабларни билиш.

Фармацевтик ташкилотининг молиявий-хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида

- молиявий таҳлил усуллари;
- дори воситалари билан таъминоти жараёнидаги давлат ижтимоий ва молиявий сиёсатининг асосий йўналишлари;
- фармацевтик ташкилотларда молия-иқтисодий фаолиятини тартибга солишдаги меъёрий қонун ҳужжатлари;
- фармацевтик ташкилотлар фаолиятида молиявий, бухгалтерия ва статистик ҳисобларни олиб бориш тартиби;
- дорихона ташкилотининг даромад ва харажатлари таркиби, молиявий-хўжалик фаолиятининг натижалари;
- дорихона ташкилотининг балансини тайёрлашга қўйиладиган талаблар;
- фармацевтика ташкилотлари ходимларини самарали рағбатлантириш; тизимини шакллантиришга қўйиладиган талаблар;
- молиявий, статистик ва бухгалтерия ҳисобот ҳужжатларини юритиш ва тақдим этишга қўйиладиган талаблар, ҳисобот ҳужжатлари тузилмаси ва таркиби;
- фармацевтика ташкилотида қўлланиладиган замонавий ахборот тизимлари ва технологияларини билиш.

Аҳоли, тиббиёт ва фармацевтик ходимларига ахборот ва маслаҳат ёрдамини ташкиллаштириш соҳасида

- дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментдаги товарларни айланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- турли хил фармакологик гуруҳлар учун дори воситалари ва бошқа дорихона товарларининг зарурий ассортименти, уларнинг хусусиятлари, фаол моддалари (халқаро патентланмаган номлари);
- қалбаки ва сифатсиз дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментдаги товарларни аниқлаш усуллари;
- сифатсиз дори воситалар ва бошқа дорихона ассортиментдаги товарлар тўғрисида фармацевтика ахборотларини излаш ва баҳолаш усуллари;
- тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситаларнинг ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилан минимал ассортименти (рўйхати);
- дори воситаларининг фармакокинетикаси ва фармакодинамикасини ҳисобга олган ҳолда фармакотерапия негизлари;
- асосий дори воситалар рўйхати;



- чакана дорихона ташкилотларида сотишга рухсат этилган дори воситалар билан бир қаторда товарлар рўйхати;
- истеъмолчиларни хабардор қилиш усул ва услублари;
- фармацевтика ва тиббиёт мутахассислари учун ахборот тадбирларининг шакллари;
- фармацевтлар ўртасида ишбилармонлик, маданиятли ва касбий психологик, этик ва деонтологик мулоқатларнинг хусусиятлари;
- истеъмолчининг психологик тавсифлари ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаш.

Фармацевтик ташкилотининг фаолиятидаги жорий натижалар сифатини таъминлаш ва бошқариш соҳасида

- сифатни бошқариш халқаро стандартлари тизими;
- аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳолатини тавсифловчи мезонлар ва кўрсаткичлар;
- фармацевтик менежменти ва сифатни бошқариш тизими;
- контрафакт, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотларга нисбатан чора тадбирлар;
- иш юритиш, ҳужжат турлари ва уларни расмийлаштириш;
- бажарилган ишлар натижаларини ҳужжатлаштириш тартиби;
- истеъмолчиларнинг шикоятларини ҳал қилиш усуллари ва услубларини билиш.

Фармацевтик ташкилотнинг меҳнат жамоаси ишини таъминлаш ва уни бошқариш соҳасида

- ҳодимларни бошқариш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги;
- ҳодимларни рағбатлантириш турлари;
- фармацевтик биоэтика;
- ҳодимлар бошқаруви;
- ҳодимлар ҳужжатлари бўйича талаблари;
- шахсий таркиб ҳужжатлари;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари, ёнғин хавфсизлиги чоралари, факултетдаги ҳолатларида ҳаракатлар тартиби.

Дорихона муассасалари шароитида дори препаратларини тайёрлаш соҳасида


- фармацевтика менежменти, иш юзасидан мулоқот ва маданият, касб психологияси ва этикаси, фармацевтик деонтология асослари;



- термолабил дори воситаларни ташиш тартиби ва ҳароратни таъминлашда қўлланиладиган воситалар;
- фармацевтик ёрдам сифатини таъминлашда замонавий усуллар ва ёндошувлар;
- етказиб берувчилардан маҳсулотларни сотиб олиш ва қабул қилишни ташкилотда белгиланган тартиби;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, ёнғин хавфсизлиги талаблари ҳамда ғавқулотда вазиятлардаги ҳаракатларнинг тартиби;
- дори шакллари тайёрлаш ва дорихона ичидаги назорат бўйича меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар;
- каттик, суюқ, юмшоқ, стерил ва асептик дори шакллари тайёрлаш қоидалари;
- дори воситаларнинг физик-кимёвий ва органолептик хусусиятлари ҳамда уларнинг физикавий, кимёвий ва фармакологик мутаносибликлари;
- микробиология асослари;
- биофармация асослари;
- замонавий дори субстанциялари ва ёрдамчи моддалар номенклатураси, уларнинг хоссалари, қўлланилиши;
- санитар-эпидемиологик талаблар;
- шахсий ҳимоя воситаларининг қўллаш қоидаларини билиш ва риоя қилиш.

Суд-тиббий экспертизасида ашёвий далиллар ва биологик объектларни суд-кимё ва кимё-токсикологик таҳлилларини ўтказиш соҳасида

- суд-кимё бўлими ишини ташкил этиш;
- лаборатория ва инструментал таҳлиллар учун экспертиза лабораторияларга юборилган ашёвий далиллар, биологик объектлар ҳамда бошқа турдаги объектларни олиш, ўраш, жўнатиш, ташиш, сақлаш ашёвий далиллар, биологик объектлар ҳамда бошқа турдаги объектларни лаборатория ва инструментал таҳлил усуллари;
- биологик объектларни кимё-токсикологик ва суд-кимё экспертизасини ўтказиш тартиби;
- суд токсикологияси ва токсикологик кимёнинг предмети, вазифалари ва терминологияси;
- гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва бошқа захарли моддаларнинг таснифи, тузилиши ва физик-кимёвий хусусиятлари, захарли моддаларни биологик объектлардан ажратиш олишнинг замонавий усуллари;
- биологик объектлардан захарли моддаларни кимё-токсикологик ва суд-кимё экспертизасини ўтказишда замонавий усуллар: дастлабки усуллар (рангли реакциялар, юпқа қатлам хроматография, иммунофермент усуллар) ва



- тасдиқловчи инструментал (ульрабинафша спектроскопия, фотоэлекторокалориметрия, инфрақизил спектроскопия, газ-суюқлик хроматографияси, юқори самарадор суюқлик хроматографияси, ион алмашинув хроматографияси) усулларида сифат ва миқдорини аниқлаш;
- физик-кимёвий усулларда қўлланиладиган асбоблардан фойдаланиш қоидалари ва уларни компьютер программаси билан таъминлаш;
 - олинган натижаларни статистик ишлов бериш ва баҳолаш усуллари;
 - экспертиза муассасалари фаолиятида таҳлиллар номенклатураси;
 - материалларни таҳлил этишда сифатини назорат қилишни ташкил этиш тамойилларини билиш.

Суд-кимё ва кимё-токсикологик текширув сифатини назорат қилишни ташкил этиш соҳасида

- суд-кимё ва кимё-токсикологик текширишларни, шу жумладан биологик объектларни қабул қилиш ва баҳолашнинг тўғрилигини, ички ва ташқи сифатини назорат қилишни қоидалари ва мезонлари;
- суд-кимё ва кимё-токсикологик текширишлар сифатини баҳолаш тамойиллари;
- суд-кимё ва кимё-токсикологик текширишлар сифати соҳасидаги стандартлар;
- суд-кимё ва кимё-токсикологик текширишлар сифатини назорат қилиш соҳасида стандартларни ишлаб чиқиш тамойилларини билиши зарур.

Фармацевтика ташкилотининг фаолиятини режалаштириш соҳасида

- дори воситаларини самарали ишлатилишига оид кўрсатма ва меъёрий хужжатлар;
- меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги;
- дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментидаги бошқа товарлар муомаласини тартибга солувчи ўзбекистон республикаси меъёрий-ҳуқуқий хужжатларининг қоидалари;
- биноларнинг ишлатилиши ва меҳнат шароитларига санитария-эпидемиологик талаблар;
- фармацевтика ташкилотининг ҳисобот хужжатларига қўйилган талаблар4
- меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари, ёнғин хавфсизлиги чоралари, фавқулотда ҳолатларда тартиб-қоидаларини билиш.

Аҳоли ва тиббиёт ходимларига дориларнинг фармакологик хусусиятлари бўйича маълумот бериш соҳасида

- асосий дори воситалар рўйхати;
- дори воситаларининг асосий гуруҳлари;
- тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситаларнинг ЎЗР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилан минимал ассортименти (рўйхати);
- дориларнинг фармакодинамик ва фармакокинетик хусусиятлари;
- дориларнинг ноўя таъсирлари ва унинг олдини олишга қаратилган чоратadbирлар;
- қариялар, ёш болалар, хомиладор, эмизикли аёлларда дорилар фармакокинетикасининг ўзига хос томонлари;
- фармакологик коррекция усуллари;
- дорилардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш тамойилларини билиш.

Аҳолига фармацевтик ёрдамни ташкиллаштириш соҳасида

- дори воситалари айланишини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- турли хил фармакологик гуруҳлар учун дори воситалари ва бошқа дорихона товарларининг зарурий ассортименти, уларнинг хусусиятлари, фаол моддалари (халқаро патентланмаган номлари);
- қалбаки ва сифатсиз дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментидаги товарларни аниқлаш усуллари;
- сифатсиз дори воситалар ва бошқа дорихона ассортиментидаги товарлар тўғрисида фармацевтика ахборотларини излаш ва баҳолаш усуллари⁴
- рецептсиз берилиши рухсат этилган дори воситалари рўйхати;
- дориларнинг фармакологик хусусиятлари ва улардан оқилона фойдаланиш;
- дорилардан нотўғри фойдаланиш оқибатлари ва уларнинг олдини олиш йўллари;
- истеъмолчиларни хабардор қилиш усул ва услублари;
- фармацевтика ва тиббиёт мутахассислари учун ахборот тadbирларининг шакллари;
- фармацевтлар ўртасида ишбилармонлик, маданиятли ва касбий психологик, этик ва деонтологик мулоқотларнинг хусусиятлари;
- истеъмолчининг психологик тавсифлари ва ўзига хос хусусиятларини баҳолаш;
- дориларнинг фармакологик хусусиятларини текшириш усуллари билиш.

Фармацевтик ташкилотининг фаолиятидаги жорий натижалар сифатини таъминлаш соҳасида

- сифатни бошқариш халқаро стандартлари тизими;

- аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳолатини тавсифловчи мезонлар ва кўрсаткичлар;
- фармацевтик менежменти ва сифатни бошқариш тизими;
- контрафакт, сифатсиз ва қалбаки маҳсулотларга нисбатан чора тадбирлар;
- иш юритиш, ҳужжат турлари ва уларни расмийлаштириш;
- бажарилган ишлар натижаларини ҳужжатлаштириш тартиби;
- истеъмолчиларнинг шикоятларини ҳал қилиш усуллари ва услубларини билиш.

Фармацевтик ташкилотнинг меҳнат жамоаси ишини ташкил этиш ва уни бошқариш соҳасида

- ходимларни бошқариш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги;
- ходимларни рағбатлантириш турлари;
- фармацевтик биоэтика;
- ходимлар бошқаруви;
- ходимлар ҳужжатлари бўйича талаблари;
- шахсий таркиб ҳужжатлари;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари, ёнгин хавфсизлиги чоралари, фавқулотдаги ҳолатларида ҳаракатлар тартибини билиш.

Дори воситаларини таҳлил қилиш ва сифатини таъминлаш соҳасида

- фармацевтик ишлаб чиқариш корхоналарида фармацевтик таҳлилнинг барча усулларини қўллаш билиш;
- сифат назорати тизимини амалга ошириш ва ташкил этиш;
- янги дори воситаларини излаб топиш ва тиббиёт амалиётига жорий этиш;
- меъёрий ҳужжатларнинг барча турлари ва сифат кўрсаткичларни бажара олиш ва такомиллаштириш;
- дори воситаларининг сифатсизлигига сабаб бўладиган омилларни баргараф этишни *билиши керак*.

2.2. Фармацевт кўникмаси:

Фармацевтика ташкилоти фаолиятини режалаштириш соҳасида

- бошқарув қарорларини қабул қилишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- фармацевтика ташкилотининг молия-хўжалик фаолияти кўрсаткичларига эришиш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

- дорихонада янги дори воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашда таҳлил усул ва услубларидан фойдаланиш. Ушбу фаолият учун керакли ахборотни соҳага мақсадли тарқатишни таъминлаш;
- фармацевтик ташкилотни бошқариш услубларини қўллаш;
- аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳолати ва тиббий ёрдам сифатини ифодаловчи мезон ва кўрсаткичларни ишлаб чиқиш;
- фармацевтика менежментини ташкил этиш;
- фармацевтик маркетингни ташкил этиш;
- дори воситаларини сақлаш ўзига хослиги, шу билан миқдорий ҳисобда турувчи дори воситалар сақлашининг алоҳида хусусиятларини инобатга олган ҳолда, сақлаш тартибини тўғри ташкил этиш.

Фармацевтик ташкилотининг моддий ва ресурс билан таъминлашни ташкил этиш соҳасида

- дори воситалари ва бошқа дорихона ассортиментидagi товарлар, бошқа материаллар ва жиҳозлар, ишлар ва хизматлар ҳақида таъминотчиларнинг ахборотини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- дорихона ва бошқа дорихона ассортиментидagi товарлар хариди учун ҳужжатлар тўпламини шакллантириш;
- истеъмолчилар талабини, шу билан янги дорилар ва бошқа дорихона ассортиментидagi товарларга бўлган эҳтиёж мониторингини олиб бориш;
- белгиланган талабларга мувофиқ товар-моддий бойликларни ва миқдорий ҳисобда турувчи дори воситаларни тезкор-техник ҳисобини ташкиллаштириш;
- фармацевтик ташкилотларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобот турларини ўз ичига олган ҳолда ҳужжат айланмасини ташкил қилиш ва таъминлаш;
- ҳамкасблар, истеъмолчи ва таъминотчилар билан оғзаки ва ёзма мулоқотларни амалга ошириш.

Фармацевтик ташкилотининг молиявий-ҳўжалик фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида

- фармацевтика ташкилоти фаолиятини молиявий таҳлилинини ўтказиш;
- вазиятни баҳолаш ва унинг ривожланишини истиқболини аниқлаш;
- фармацевтика ташкилотининг бюджетлаштиришда молиявий режалаштириш усуллари қўллаш самарадорлигини баҳолаш;
- фармацевтика ташкилотининг даромад ва харажатлар таркибини таҳлили ва истиқболини аниқлаш;

- фармацевтика ташкилотининг бюджетини шакллантириш ва бажарилишини назорат қилиш, ўз вақтида тузатишлар киритиш;
- молиявий режалаштиришни таъминлаш ва сифатини ошириш бўйича тадбирлар самарадорлигини мунтазам равишда баҳолаш.

Аҳоли, тиббиёт ва фармацевтик ходимларига ахборот ва маслаҳат ёрдами ташкиллаштириш соҳасида

- ахборот ва маслаҳат ишларини таҳлил қилиш ва режалаштириш;
- йирик гуруҳлар учун сўровномаларни ишлаб чиқиш;
- тиббиёт ходимлари ва аҳоли учун тушунтириш тадбирларини ташкил қилиш;
- ҳамкасблар, истеъмолчи ва таъминотчилар билан оғзаки ва ёзма мулоқатларни амалга ошириш;
- аҳолининг фармацевтик маҳсулотларига бўлган талаби тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш;
- фармацевтик ташкилотларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобот турларини ўз ичиға олган ҳолда ҳужжат айланмасини ташкил қилиш ва таъминлаш.

Фармацевтик ташкилотининг фаолиятидаги жорий натижалар сифатини ташкил этиш ва бошқариш соҳасида

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаларга асосланиб, жорий фаолият учун сифат стандартларини ишлаб чиқиш;
- фармацевтик ташкилотидаги асосий бизнес-жараёнларини режалаштириш, мувофиқлаштириш ва уларни бошқариш;
- фармацевтик ташкилотининг фаолиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш
- омборлар иш фаолиятини валидация жараёнини ўтказиш;
- фармацевтик ташкилот ходимларнинг таъминотчилари билан қайта мулоқотни ташкил қилиш;
- ҳужжат айланмасини таъминлашни ташкил қилиш;
- истеъмолчилар билан даъволар юзасидан ишларни ташкил қилиш.

Фармацевтик ташкилотнинг меҳнат жамоаси ишини ташкил этиш ва уни бошқариш соҳасида

- фармацевтика ташкилотининг ходимлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- фармацевтика ходимларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш;
- фармацевтика ташкилоти учун штат жадвалини тузиш;
- меҳнат жамоаси учун лавозим йўриқномасини тузиш;

- фармацевтика ташкилотида ходимлар билан коммуникация жараёнини амалга ошириш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бажариладиган функцияларни ҳисобга олган ҳолда иш жойларини оқилона ташкил этиш;
- меҳнат муҳофазаси йўриқномасини ишлаб чиқиш;
- хавфсиз ва қулай иш шароитларини ташкил қилиш;
- фармацевтик ташкилотларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобот турларини ўз ичига олган ҳолда ҳужжат айланмасини ташкил қилиш ва таъминлаш;
- ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, санитария қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя қилишларини назорат амалга ошириш;
- гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ишлаш қоидалар асосида иш жойларида ходимларни ўқитиш режасини тузиш;
- ташкилот ходимларини касбий ва шахсий ривожланишни, малака оширишни режалаштириш;
- фармацевтик ташкилот ходимларига инструктаж ўтказиш.

Дорихона муассасалари шароитида дори препаратларини тайёрлаш соҳасида

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ дори воситалар ва бошқа моддаларнинг миқдорий-буюм ҳисобини олиб бориш;
- касб масалаларни ечишда ҳамкасблар, соғлиқни сақлашнинг бошқа ходимлари ва беморлар билан оғзаки ёки ёзма шаклидаги самарали мулоқот қилиш;
- ўз ишлаб чиқариш фаолиятини мустақил режалаштириш ва ташкил этиш ҳамда ўз вақтини самарали тақсимлаш;
- дори воситаларнинг дорихона ичидаги сифат назорат натижаларини баҳолаш ва изоҳлаш;
- лаборатория ва технологик асбоб-ускуналардан фойдаланиш;
- касб масалаларини ечишда фармацевтик фаолиятни таъминлаш учун замонавий ахборот-коммуникацион технологиялар, амалий дастурлардан фойдаланиш;
- шахсий ҳимоя воситаларини қўллаш;
- дори воситалари ва дорихона ассортиментининг маҳсулотлари айланмасини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий актлар қоидалари;
- дори воситаларнинг сифатини назорат қилишда қўлланиладиган ҳамда Фармакопепяларда келтирилган таҳлил усуллари;

- дори воситалари сифатига, дори воситалари ёрлиғига ҳамда дори воситалар ва дорихона ассортиметининг бошқа маҳсулотлари сифатини белгиловчи ҳужжатларга бўлган талаблар;
- турли хил фармакологик гуруҳлар бўйичадори препаратлари ва дорихона маҳсулотларининг замонавий ассортиментини ҳамда уларнинг таснифи;
- сохта қа қалбаки дори воситалари ва дорихона ассортиментининг бошқа маҳсулотларини аниқлашнинг тавсия этилган усуллари;
- фармацевтика ташкилотларида ҳисобот ҳужжатларини юритиш талабларини, касбий иш юритиш;
- дори воситаларининг миқдорий-буюм ҳисобини юритишга бўлган талаблар;
- ахборот-коммуникацион технологиялар ва компьютерлаштирилган тизимларни, фармацевтик ахборотнинг қидирув ва баҳолашнинг замонавий усуллари қўллаш.

Фармацевтика ташкилоти фаолиятини режалаштириш соҳасида

- бошқарув қарорларини қабул қилишда маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;
- аҳолига самарали фармацевтик ёрдам кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;
- аҳолини дори воситалари билан таъминлашнинг таҳлили;
- фармацевтик ташкилотни бошқариш услублари;
- аҳолини дори воситалари билан таъминлаш ҳолати ва тиббий ёрдам сифатини ифодаловчи мезон ва кўрсаткичлар;
- фармакоэпидемиологик усуллари қўллаш;
- фармакологик назорат усуллари қўллаш.

Аҳоли ва тиббиёт ходимларига дориларнинг фармакологик хусусиятлари бўйича маълумот бериш соҳасида

- аҳоли гуруҳлари учун сўровномаларни ишлаб чиқиш;
- тиббиёт ходимлари ва аҳоли учун тушунтириш тадбирларини ташкил қилиш;
- дориларнинг асосий гуруҳлари ва препаратларнинг фармакологик хусусиятлари тўғрисида тушунчага эга бўлиш;
- даволаш стандартларини ишлаб чиқиш ва ўзгартириш киритиш;
- аҳолининг маълум бир гуруҳлари-қарияларга, хомиладор, эмизикли аёлларга дориларни тайинлай олиш;
- клиник текширувлар ҳисоботини туза олиш.

Аҳолига фармацевтик ёрдамни ташкиллаштириш соҳасида

- ахборотни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш;
- аҳолининг дори воситаларига бўлган талаби тўғрисидаги маълумотларни рўйхатдан ўтказиш;
- рецептсиз бериладиган дориларни тайинлай олиш, доза ва схемаларини белгилаш;
- дори воситаларига аллергия реакциялар кузатилганда бартараф эта олиш;
- дори воситаларидан заҳарланганда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш;
- ҳамкасблар, истеъмолчи ва таъминотчилар билан оғзаки ва ёзма мулоқотларни амалга ошириш;
- фармацевтик ташкилотларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобот турларини ўз ичига олган ҳолда ҳужжат айланмасини ташкил қилиш ва таъминлаш;
- ҳайвонларда турли хил патологик моделларни чақира олиш.

- Фармацевтик ташкилотнинг меҳнат жамоаси ишини ташкил этиш ва уни бошқариш соҳасида

- фармацевтика ташкилотининг ходимлари фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- фармацевтика ходимларига бўлган эҳтиёжни баҳолаш;
- фармацевтика ташкилоти учун штат жадвалини тузиш;
- меҳнат жамоаси учун лавозим йўриқномасини тузиш;
- фармацевтика ташкилотида ходимлар билан коммуникация жараёнини амалга ошириш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқ бажариладиган функцияларни ҳисобга олган ҳолда иш жойларини оқилона ташкил этиш;
- меҳнат муҳофазаси йўриқномасини ишлаб чиқиш;
- хавфсиз ва қулай иш шароитларини ташкил қилиш;
- фармацевтик ташкилотларда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ҳисобот турларини ўз ичига олган ҳолда ҳужжат айланмасини ташкил қилиш ва таъминлаш;
- ходимларнинг Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига, санитария қоидалари ва ички тартиб қоидаларига риоя қилишларини назорат амалга ошириш;
- гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан ишлаш қоидалар асосида иш жойларида ходимларни ўқитиш режасини тузиш;
- ташкилот ходимларини касбий ва шахсий ривожланишни, малака оширишни режалаштириш;
- фармацевтик ташкилот ходимларига инструктаж ўтказиш ***кўникмаларига эга бўлиши зарур.***

2.3. Асосий назарий билимлар.

Фармацевт билиши керак:

- асосий дори воситалар рўйхати;
- дори воситаларининг асосий гуруҳлари
- дориларнинг фармакодинамик ва фармакокинетик хусусиятлари; дориларнинг ножўя таъсирлари ва унинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар;
- қариялар, ёш болалар, хомиладор, эмизикли аёлларда дорилар фармакокинетикасининг ўзига хос томонлари;
- фармакологик коррекция усуллари;
- дорилардан самарали ва хавфсиз фойдаланиш тамойиллари;
- фармацевтика фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари;
- лицензия талабларига риоя қилмаслик оқибатлари;
- Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ва меъёрий асослари фармацевтика ва дори воситалар муомаласини тартибга солиш;
- таъминотчилардан товарларни қабул қилиш тартиби, уларни ҳисобга олиш, инвентаризацияни ўтказиш;
- ҳисобот ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби;
- тиббий ва фармацевтика маҳсулотларини сотиб олиш, сақлаш, ташиш тартиби;
- миқдорий ҳисобда турувчи дори воситаларга қўйилган талаблар;
- тиббий ёрдам кўрсатиш учун зарур бўлган дори воситаларнинг ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгилан минимал ассортиментни (рўйхати);
- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллаш олиши;
- янги билимларни мустақил ўзлаштириш олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиши;
- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиши;
- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана билиши;
- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиши;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида хорижий тиллардан бирини эгаллаган бўлиши;
- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаши; ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила билиши;
- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиши, ахборот технологияларидан фойдалана олиши;
- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва ахамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиши;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиши;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндошув шакллланган бўлиши зарур.

3. Аҳоли саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда (профилактикасида) фармацевтнинг ўрни

